
Ўзбекистон туманида қарздор отадан 50 миллион сўм алимент ундирилди

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 2019 йил 25 ноябрдаги қарорига асосан қарздор С.Я.дан ундирувчи Ш.Я.нинг фойдасига бир нафар фарзандининг таъминоти учун тўртдан бир қисм миқдорда алимент ундириш белгиланган ва суд қарорига асосан ижро ҳужжати бюронинг Ўзбекистон туман бўлими томонидан ижро иши юритилган.

Ижро ҳаракатлари давомида қарздор С.Я нинг алимент қарздорлиги ҳисоб-китоб қилиниб, ундирувчига фарзанди вояга етгунига қадар бўлган давр учун 50 миллион сўм пул маблағи ундирувчига тўлиқ ундириши таъминланди. Натижада, ушбу ижро ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 41-модда 1-бандига асосан иш юритишдан тамомланди.

Мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон туман бўлими

2022-02-25 10:44:34